

ИПАК ҚУРТИ НИМА ЕЙДИ?

М.Қутлуғов ҳам мудар ўринбосарининг хонасига кираркан, деворларга бирров ҳам солгандай бўлди, аммо уларнинг қулоғи борлигини кўрмади. Чўнтагидан пулни олиб санаб, И.Жасминовга узата-ётганда хонага...

5
бет

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Имконияти чекланган, зиммасига олган мажбуриятини белгиланган муддатларда адо эта олишлари даргумонлигини яхши билган пудратчилар ишни бошлаб қўйиб, тагин сохтакорлик билан сувдан қуруқ чиқиш йўларини излашади.

7
бет

Mustaqillik huquq demakdir

Ҳуқуқ



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 14-noyabr, №46 (879)

Маҳалла ҳалқимизнинг тарихан шаклланган ўзаро ҳам-жиҳатлик, бирдамлик ва меҳр-оқибат тинисли, маълум бир ҳудуддаги аҳолини бирлаштирилган маскан, мўъжаз бир ватандир.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари концепцияси амалга оширишда маҳалланинг ўрни бекиёс. Чунки маҳалла аҳоли ҳаёт тарзи, муаммоларини чуқур биланган, уларни ечишга, ҳар қандай вазиятда одамларнинг бошини қовуштиришга қодир бўлган бетақрор институт сифатида тан олинди.



Ҳаётимизнинг ажралмас қисми

Айни кунларда республикаимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида сайловни қонун талабларига мувофиқ юсак ташкилий-ҳуқуқий ҳамда демократик таъминлашга мос тарзда ўтказиш, унда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги таҳрирдаги қонунда сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун бевосита масъул бўлган органлар, хусусан, кўмаклашувчи комиссия, ишчи гуруҳлар, фуқаролар аъзолари ва уни ўтказишдаги тар-

тиблар бўйича янги талаблар акс этгани сайловларни демократик таъминлаш асосида ўтказишга хизмат қилмоқда.

Бўлиб ўтаётган сайловларда қонун талабларидан келиб чиқиб, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига кўрсатилган номзодлар сайлов бошланишидан олдин фуқаролар йиғини олдида чиқиш қилиб, келажақдаги фаолият дастури билан сайловчиларни таништирмоқда. Бу амалда ҳар бир номзоднинг тегишли ҳудудни қандай билишидан тортиб, унинг келгуси мақсад, режа ва вазифаларини қандай кўра олиши, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, маънавий-маърифий соҳаларни ривожлантиришда қайси йўналишларни тақлиф этиши бўйича салоҳияти, қобилияти ва тажрибасини

намоён этишига имкон бермоқда.

Фуқаролар йиғини ишини ташкил этиш, олдинда турган вазифаларни аниқ бажариш бевосита раҳбарнинг салоҳиятига боғлиқ. Шундай экан, бу йилги сайловларда оқсоқоллар таркибини янгича фикрлайдиган, олий маълумотли кадрлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олдинги сайловдан буён ўтган даврда амалга оширилган ишлар натижалари ҳам кадрларнинг сифат тарихига жиддий аҳамият беришни тақозо этаётир. Шунинг учун ҳам оқсоқоллар сайловда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга, уларнинг ҳар бир номзод ҳақидаги тақлифни инobatта олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўз мухбиримиз

Фаолият

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Республикаимиз Президенти Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли бандлиги кўмаклашиш, меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларимизни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб, ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Бандликка кўмаклашиш долзарб вазифа

Фахриддин БАКАЕВ,
Қарши ҳарбий прокурори

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий қисм ва муассасаларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг иш билан банд бўлмаган ва меҳнат қилиш истагидигиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Қарши туманидаги Хонобод қишлоғида жойлашган ёпиқ ҳарбий шаҳарчада кўп вақтдан буён фойдаланилмай ётган бино қисқа вақт ичида таъмирланиб, мазкур бинода тикувчилик ва қандолатчилик цехлари, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, пойафзал таъмирлаш устaxonаси ҳамда нооziқ-овкат маҳсулотлари савдо дўкони фойдаланишга топширилди. Натижада ҳарбий шаҳарчада яшовчи 9 нафар ҳарбий хизматчининг иш билан банд бўлмаган ҳамда маълумоти ва мутахассислиги бўйича ишлаш истагиди оила аъзолари иш билан таъминланди. Бир сўз билан айтганда, эндиликда ҳарбий шаҳарчада истиқомат қилувчи ҳарбий оилалар қундақлик эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларни шу ернинг ўзида харид қилиш имкониятига эга бўлишди.

Келгусида мазкур ҳарбий шаҳарчада хизматчиларнинг фарзандларини компьютер дастурлари билан ишлаш ҳамда чет тилларини ўрганиш борасидаги билимларини янада чуқурлаштириш мақсадида компьютер синфхонаси ва инглиз тили тўғрисидаги ташкил қилиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, санъатта қизиққан болалар учун ушбу шаҳарчада мусиқа ва рақс тўғрақларини очиш масаласи ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Келажақда ушбу йўналишдаги ишларни ҳудудда жойлашган бошқа ҳарбий шаҳарчаларда ҳам ташкил қилиш бўйича зарур амалий чора-тадбирлар режалаштирилмоқда.

Анжуман

Тадбиркорларга янги имкониятлар

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимизнинг истиқболли ва жадал ривожланиш бораётган тармоқларидан бири бўлиб, у соғлом рақобатни шакллантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам бераётир. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда, ишбилармонлик муҳити яхшиланиб, қулай шароитлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ҳузурида барча ҳудудларда филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, қатор тижорат банклари ва молия институтлари унинг таъсисчиларидир. Жамғарманинг асосий вазифалари ташқи бозорнинг чуқур маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни экспорт қилиш учун

потенциал имкониятларни аниқлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини тизимли таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозордаги рақобатбардорлиги даражасини аниқлаш, бу борада тегишли маълумотлар базасини шакллантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридидаги талабларга мос келишини таъминлашга доир тақлифлар ишлаб чиқишдир.

Шунингдек, нодавлат муассасаси бўлган мазкур жамғарма кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотини ташқи бозорга чиқариш, харидор топиш, шартномаларни тайёрлаш ва тузиш, экспорт операцияларини амалга ошириш, экспорт қилувчиларни юзага келиши мумкин бўлган хавфлардан ишончли ҳимоя қилиш, хорижий мамлакатлар қонунчилиги талаб этадиган зарур лицензия-

лар, сертификатлар, бошқа рухсатнома ҳамда йиғимларни олиш ва тўлашда юридик, молиявий ҳамда ташкилий хизматлар кўрсатади. Хусусий сектор жамғарма кўмағида хориждаги тендер савдоларида ўз иштирокини кенгайтириши ва турли ярмаркаларда чет эллик харидорлар билан алоқа ўрнатиши мумкин. Шунингдек, жамғарма тадбиркорлик субъектларига хорижий кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этиш, экспорт шартномалари тузиш, янги бозорларга чиқиш ва маҳсулот экспорт қилишга ёрдам беради.

Матбуот анжуманида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси мутахассислари журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтардилар.

Ўз мухбиримиз

Меҳнатсеварлиги, самимийлиги ва ғайрати билан эл-юрт меҳрини қозонган прокуратура ходими Гавҳар Бабаджанова бутун қутлуғ 60 ёшни қаршиламакда.



Эҳтиром

Гавҳар Бабаджанова 1976 йилда Тошкент Давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунос-лик факультетини тамомлаб, Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ёрдамчиси, катта ёрдамчиси, бўлим прокурори ва катта прокурори лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди. Гавҳар Бабаджанова қайси лавозимда иш-

лашдан қатъи назар, ҳамиша билимдон ва тажрибали ҳуқуқшунос, самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта ҳурмат қозониб, ишлаш даврида жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди.

Гавҳар Бабаджанованинг узок йиллик меҳнати ҳукуматимиз ҳамда Республика Бош прокуратураси томонидан муносиб баҳоланиб, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" фахрий унвони, "Дўстлик" ордени ҳамда "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳурматли Гавҳар Бабаджанова, бундан буён ҳам бой билим ва тажрибангиз, маслаҳатларингиз билан ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ўз ҳиссангизни қўшаверасиз, деган умиддамиз. Сизга оилавий тотувлик, мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака ва узок умр тилаб қоламиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси
ва Фахрийларни ихтимой қўллаб-қувватлаш
жамоатчилиги Маркази

Ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq»

Республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эhtiёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатимизда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан беками-кўст тўлдириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар муваффақиятли тарзда амалга оширишмоқда. Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб чиқилиши ва контрафакт маҳсулотларнинг олиб кирилишига қарши чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар Президентимизнинг жорий йил 29 январдаги "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишда олиб борилаётган чора-тадбирларнинг янги босқичини бошлаб берганини эътироф этишди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 3 декабрдаги "2013 йилда мева-сабзавот, картошка,

полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш ва фойдаланишнинг прогноз параметрлари тўғрисида"ги Қарори мева-сабзавот, картошка, полиз ва узум маҳсулотларини етиштириш, реализация қилиш ва ўз вақтида қайта ишлашни ташкил этиш учун кенг шарт-шароитларни яратишга хизмат қилиб, мазкур қарор асосида бу маҳсулотлардан рационал фойдаланишни ҳал қилиш, шунингдек, уларни экспортга етказиб беришни самарали ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилганлигини алоҳида таъ-

кидлаб ўтишди. Йиғилишда яна бир муҳим масала — контрафакт маҳсулотларнинг юртимизга олиб кирилишига қарши кўрилатган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумотлар берилди. Бундан ташқари, анжуманда иштирок этган божхона хизматининг масъул ходимлари 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний равишда олиб ўтилишига қарши кураш йўналишида жами 508 та қонунбузарлик ҳолатлари аниқла-ниб, умумий қиймати 1,8 млрд. сўмдан ортиқ салкам 800 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилганлигини маълум қилишди.

ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН • ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади.

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоиизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- ✓ солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- ✓ маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- ✓ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- ✓ миқдори чекланмаган.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянги сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV Baxtiyor NAZAROV
Abbosxon SANGINOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Muxtor ZOIROV Kamoliddin ASQAROV
Gulnoza RAHIMOVA (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftanavray payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz
qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtasidan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish
faqat tahririyat ruxsati bilan amalga
oshriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun
tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma j-8504, 46 689 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Nashrbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Musahhih: M.DAMBAROV
Nashrbatchi: O'.DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyat matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot
va zabot agentligida
2008-yil 12-oktabrda
0188-raqam bilan
ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-7617



9 772010 761004